

---

---

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Volume II | Issue 1 | January | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

---

---

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 1-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-1

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-1

ТОШКЕНТ – 2024

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-1>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин  
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

*“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.*

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ЮЛДАШЕВ Равшанжон Баходирович**

*Тошкент кимё технология институти*

*мустақил тадқиқотчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10499745>

## ХИТОЙ ДАВЛАТИНИНГ ТАЪЛИМ СИЁСАТИ

### АННОТАЦИЯ

Дунёдаги ҳар бир давлат ўзига хос таълим сиёсатини олиб боради. Бу борада катта натижаларга эришган давлатлар ҳам шу билан бирга самарали таълим сиёсати юритолмаётган давлатлар ҳам мавжуд. Таълим сиёсати комплекс жараён бўлиб, бир қанча омиллар унда муҳим рол ўйнайди. Бу борада давлатларнинг тажрибаларини ўрганишда менталитети, таълим даражаси ва самарадорлигидан келиб чиқиб таълим сиёсатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг таълим сиёсати борасидаги тажрибаси маълум мувофақиятларга эришган. Ана шундай давлатлардан бири Хитой ҳисобланади. Ушбу мақолада Хитойнинг таълим сиёсати борасидаги тажрибаси таҳлил қилинади. Унинг бу борадаги ютуқлари ва муаммолари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим сиёсати, таълим истиқболи, устивор йўналиш, аҳолининг саводхонлиги, мажбурий умумий таълим, таянч олий таълим, оптималлаштириш, олий касбий таълим тизими, модернизация, номарказлаштириш сиёсати, талабалар ва олимлар алмашинуви, олий ўқув юртлари.

## EDUCATIONAL POLICY OF THE CHINESE GOVERNMENT

### ANNOTATION

Every country in the world has its own education policy. There are countries that have achieved great results in this regard, and at the same time, there are countries that are unable to implement an effective education policy. Education policy is a complex process, and several factors play an important role in it. In this regard, it is appropriate to analyze the educational policy based on the mentality, level of education and efficiency in studying the experiences of the states. Because their experience in education policy has achieved certain successes. One such country is China. This article analyzes the experience of China's education policy. His achievements and problems in this regard are explored.

**Keywords:** education policy, education perspective, priority direction, population literacy, compulsory general education, basic higher education, optimization, higher professional education system, modernization, decentralization policy, exchange of students and scientists, higher education institutions.

## ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ПОЛИТИКА КИТАЙСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА

### АННОТАЦИЯ

В каждой стране мира существует своя политика в области образования. Есть страны, добившиеся больших результатов в этом отношении, и в то же время есть страны, которые не способны реализовать эффективную образовательную политику. Политика в области образования – сложный процесс, и в нем важную роль играют несколько факторов. В связи с этим уместно анализировать образовательную политику с учетом менталитета, уровня образования и эффективности изучения опыта государств. Потому что их опыт в образовательной политике достиг определенных успехов. Одной из таких стран является Китай. В данной статье анализируется опыт образовательной политики Китая. Исследуются его достижения и проблемы в этом плане.

**Ключевые слова:** образовательная политика, перспектива образования, приоритетное направление, грамотность населения, обязательное общее образование, базовое высшее образование, оптимизация, система высшего профессионального образования, модернизация, политика децентрализации, обмен студентами и учеными, высшие учебные заведения.

Хитой Халқ Республикаси таълим сиёсатини эришилган ютуқлардан келиб чиқиб кейинги йилларда энг самарали таълим сиёсати сифатида эътироф этиш мумкин. Буни Хитой таълим тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиб тараққий этган ғарб таълим тизими билан рақобатлашаётганлиги билан ҳам асослаш мумкин.

1995-йилда Хитойда давлат учун таълимга устуворлик бериш сиёсатини юритилишини кафолатлайдиган “Таълим тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. Унда истиқболдаги таълим сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- аҳолининг саводсизлигини тўлиқ бартараф этиш;
- тўққиз йиллик мажбурий умумий таълим;
- бутун халқнинг маданий, илмий ва ахлоқий даражасини ошириш;
- таянч олий таълим тузилмасини оптималлаштириш;
- олий касбий таълим тизимини модернизация қилиш;
- Хитой таълимини жаҳон таълим тизимига интеграциялаш [1].

Ёки 1998 йил “XXI асрда таълимни кучайтириш бўйича ҳаракатлар режаси” қабул қилинди. Бунда Хитой таълимини янги асрда ривожлантириш стратегиясини ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатда босқичма-босқич пуллик таълим тизимини шакллантириш имкониятлари илгари сурилади. Бу Хитой таълим тизимида рақобат муҳитини шаклланишига ва провардида ривожланишига туртки бўлди. Шу билан бирга Хитой таълим сиёсатида халқ хўжалиги билан таълим ўртасидаги боғлиқлик устувор жиҳати бўлиб қолганлигини ҳам қайд этиш керак. Мутахассислар фикрича “Натижада бугунги кунда ХХРда бир томондан халқаро стандартларга жавоб берадиган, иккинчи томондан эса мамлакат миллий иқтисодиёти эҳтиёжларига мос равишда ўз салоҳиятини рўёбга чиқарадиган ва ўзига хос миллий салоҳиятга эга олий ўқув юртлирининг ягона тармоғи шаклланди” [1].

Янги асрдаги таълим сиёсатидаги муҳим ўзгариш таълим тизимларини бошқаришда номарказлаштириш сиёсати ҳисобланади. Ушбу сиёсат натижасида кўп ўтмай 2015 йилда ОТМларнинг 70 фоизи Халқ таълими вазирлигига тегишли бўлса 20 фоиздан ортиғи вилоят даражасидаги агентликларга қолганлари эса марказий ва маҳаллий ҳокимият органларига (қўшма бошқарув) бўйсунадиган бўлди [1].

ХХР олий ўқув юртлири таълим турлари бўйича ҳам рангбаранглик касб эта бошлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда кенг қамровли университетлар, қисқа таълим курсига эга олий ўқув юртлари (жуанке), тўлиқ ўқиш курси (бенке - бакалавриат), қисқа муддатли маҳаллий аҳамиятга эга бўлган профессионал қисқа муддатли университетлар, катталар учун университетлар, мустақил касбий таълим муассасалари мавжуд. Техник институтлар, уларга нодавлат касб-хунар институтлари (жамоатчилик имкониятлари асосида яратилган) ва олий касб-хунар институтлари коллежлари мавжуд [1].

Муҳими шундан иборатки, Хитойнинг қисқа муддатли таълим муассасалари жорий этиш тажрибасини бизда ҳам қабул қилиш истиқболли ҳисобланади. Чунки, бундай амалиёт мигрант ишчиларни юқори квалификацияга эга бўлишида провардида юқори маош оладиган меҳнат бозорида талаб юқори бўладиган ишчилар тоифасини шакллантириш имконини беради.

Янги асрнинг бошларида қабул қилинган ва сезиларли самара берган лойиҳалардан бири 211-лойиҳа ҳисобланади. 211-лойиҳанинг мақсади "глобал технологик инқилоб чақириғига тайёргарлик кўриш, олий таълимнинг ривожланишини рағбатлантириш, университетларнинг таълим ва илмий тадқиқотлари даражасини ошириш ва ОТМларни дунё рейтингига юқори ўринларни эгаллашга эришишидир"[2].

Бугунги кунга келиб, "211-лойиҳа" 100 та университетни қамраб олади ва илмий йўналишдаги 602 та тадқиқот лойиҳасини ўз ичига олди.қайд этиш керакки ана шу лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш натижасида ушбу университетларнинг аксарияти дунёнинг етакчи университетлари даражасига кўтарила олдилар.

Давлат таълим сиёсатини амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири Хитой олий таълим тизимининг халқаро ташкилотлар, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, турли мамлакатлардаги саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлиги бўлди. Таълим соҳасида Хитой ЮНЕСКО, БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, шунингдек бундай ҳамкорлик дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатлари билан ҳам давлат, ҳам маҳаллий даражада амалга оширилмоқда. Жумладан Хитой Марказий Осиё давлатлари билан ушбу соҳа доирасида ҳамкорлик ўрнатган.

Таълим сиёсатидаги жиддий қадам сифатида ўтган асрнинг охириларида бошланган хитойлик ёшларни хорижда ўқитиш тизимини қайд этиш мумкин. Бугунги кунда фан докторларининг 50 фоиздан ортиғи хорижда таълим олган. Қисқа вақт мобайнида хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар сони қарийб 200 баробар ошди. Агар 1980-йилларнинг бошларида 860 киши ўқиш учун кетган бўлса, 2016 йилда - тахминан 300 минг киши кетган[3]. Хитой сиёсатининг бу борадаги яна бир муҳим жиҳати хорижга ўқишга кетганларнинг битиргандан кейин юртига қайтишига қаратилганлиги ҳисобланади. Масалан, 2016 йилда 210 мингга яқини Хитойга қайтган [3].

Қолганлари билан ҳам мустақкам алоқа мавжуд. Бу тажрибани ҳам Хитойдан ўрганиш мумкин. Бунинг замирида ватанпарварлик руҳидаги тарбия билан бирга қайтганларга нисбатан етарли моддий ва маънавий эътибор ҳисобланади. Яна бир мисол АҚШ статистик маълумотларига кўра, АҚШда ҳар бешта докторантдан бири хитойликдир. Ундан ташқари хорижий таълим географияси анча кенг. 100 дан ортиқ мамлакатлар ХХРдан талабаларни қабул қилади, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Германия, Франция, Япония давлатларида энг кўп хитойликлар таҳсил олади [4].

Шу билан бирга, Хитойда бу масалани тезқари жараёни ҳам яъни хорижий талабаларни қабул қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Охириги 20 йил ичида 152 мамлакатдан 200 мингдан ортиқ киши қабул қилинган. Хорижий талабаларни қабул қиладиган университетлар сони сезиларли даражада ошди [4].

1979 йилда хорижий талабалар мавжуд 23та университет, 1984 йилда 55 та, 1997 йилда 330 дан ортиқ, 2001 йилда 363 та, 2004 йилда 420 та университет мавжуд бўлиб, 2008 йилда таълим муассасалари сони 592 тага бугунги кунда эса 1000 яқинни ташкил этмоқда [5].

Хитойда талабалар ва олимлар алмашинуви билан бир қаторда таълим ва академик алмашинув яъни таълим муассасаларини биргаликда бошқариш ва қўшма илмий изланишлар олиб бориш ҳам йўлга қўйилган. Хитой олий ўқув юртлари ўқитувчилари дунёнинг етакчи университетларига юборилади ва аксинча, чет эллик мутахассислар Хитойга таклиф қилинади.

Хитой миллий ўрта ва узоқ муддатли таълим ва ривожланиш ислохотларига (2010–2020) кўра, Хитой Осиёдаги энг йирик мезбон давлат ва халқаро талабалар учун дунёдаги энг яхши йўналишлардан бирига айланди. Хорижий талабаларни мамлакат ОТМларида қамровининг йиллик ўсиш суръати 7% ни ташкил этиб, 2020 йилга келиб мамлакатда халқаро талабалар сони 500 000 га етди [5].

Хитой таълим сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати у хориж тажрибасини бутунлигича қандай бўлса ўша ҳолида қабул қилмасдан миллий анъаналарга асосланиб синтез қила олди. Бу эса кўлами жиҳатидан салмоқли натижалар берди. Жумладан, бугунги кунда 23 та Хитой университети дунёдаги энг яхши 500 та университетлар рўйхатига киритилган. Хитой университетлар сони бўйича APWU (Жаҳон университетлари академик рейтинги) рейтингига фақат АҚШ, Англия ва Германиядан кейин 4-ўринни эгаллайди. ҚС-2011 рейтингига кўра, Хитойнинг учта университети аллақачон дунёнинг 100та энг яхши университетлари рўйхатига киритилган [6].

Хитой таълим сиёсатининг ўрганарли яна бир жиҳати бу ўқитувчига ҳурмат ҳисобланади. 1985 йилдан Хитойда 10 сентябрда ўқитувчилар куни нишонланади. Бу Хитойда маълум бир касб эгаларининг биринчи байрамидир. Ёки 1993 йилда Хитойда "Хитой Халқ Республикаси ўқитувчилари тўғрисида" ги қонун эълон қилинди, унда ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўқитувчиларнинг малакаси ва иш билан таъминланиши, ўқитувчиларнинг таълим ва малакасини ошириш, шунингдек, текшириш, ўқитувчиларнинг лавозимга кўтарилиши ва иш ҳақи, ўқитувчининг қонуний жавобгарлиги белгиланди [7].

Хитойнинг таълим соҳасидаги халқаро алмашинуви ва ҳамкорлиги ХХР Таълим вазирлиги томонидан бошқарилади. Бу борадаги кундалик ишлар Халқ таълими вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик ва алмашинув бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда. Шунга кўра, Хитойда маҳаллий таълим органлари таълим соҳасида халқаро алмашинув ва ҳамкорликнинг кундалик ишлари билан шуғулланадиган ўз ташкилотларига эга. Хитой ҳукумати ЮНЕСКОнинг Бутунхитой қўмитасини тузди ва унинг БМТ органи ҳузуридаги миссиясини аккредитация қилди ва Хитойда ушбу қўмитанинг бўлимлари мавжуд. Хитой таълим соҳасида халқаро алмашинувлар ассоциацияси таълим соҳасида халқаро алмашинув ва ҳамкорлик билан шуғулланувчи умумхитойлик нодавлат ташкилот бўлиб, унинг филиаллари Хитойда маҳаллий даражада фаолият юритади. Хитой олий таълим муассасаларида, қоида тариқасида, таълим соҳасида халқаро алмашинув ва ҳамкорлик учун масъул органлар мавжуд. Одатда улар "Халқаро алмашинув ва ҳамкорлик департаменти" ёки "Халқаро алмашинув ва ҳамкорлик маркази" деб аталади [8].

Хуллас янги асрда Хитой олий таълимнинг янги қарашлари қуйидагилардан иборат ҳисобланади. Биринчидан, Хитой олий таълимнинг мақсади сиёсий қуроладан таълим ва тарбиялаш қуролига ўтказилди. Яъни ўтган асрнинг 80 йилларигача Хитой олий таълим муассасалари сиёсий ҳокимиятни турли мафқуралашган предметлар орқали тарғиб қилувчи муассасасидан жамиятни талабларидан келиб чиқиб асосан таълим ва тарбия билан шуғулланувчи олий даргоҳга айланди. 100та Хитой университети йигирма биринчи асрда дунёдаги етакчи университетлар даражасига айланиши режалаштирилган [8] ва унинг натижалари намоён бўлиб бормоқда.

Иккинчидан, олий таълимнинг жамиятдаги мавқеини ошириш устувор вазифага айланди. Мамлакатни илм-фан ва таълим йўли билан ривожлантириш миллий стратегияга айланди ва бутун аҳоли томонидан қабул қилинди.

Учинчидан, олий таълимнинг функцияси қайта белгиланди. Олий таълим нафақат таълим маркази, балки муҳим илмий тадқиқот, технология инновациялари маркази ва турли хил кашфиётларни яратувчи платформага айлантирилди.

Янги асрдаги Хитой олий таълим сиёсатининг асосий хусусияти бу ташқи дунёга очиклик ҳисобланади. Хитой олий таълимни халқаро эътирофини таъминлаш учун Хитой университетлари нуфузли хорижий ОТМлар масалан, Гарвард университети, Оксфорд университети, Кембриж университети, Стенфорд университети, Токио университети ва бошқалар билан ҳамкорликни кучайтиришга, талабалар алмашишга йўналтирилган сиёсат олиб борилди.

Хитой олий таълим тизимидаги биз учун ўртак бўладиган жиҳатлардан бири талабанинг ўзлаштиришидан келиб чиқиб турли даражадаги дипломлар жорий этилиши ҳисобланади. Битирувчи бакалаврларга ўзлаштиришидан (GPA - Grade Point Average ўртача тўпланган балл) келиб чиқиб (*biye zhengshu*) яъни курсни тинглади дипломи ва тўлақонли бакалавр дипломи берилди. Магистрлар учун ҳам худди шундай тўлақонли битирганга (*shuoshi xuewei zhengshu*) магистрлик дипломи етарли даражада ўзлаштиролмаганга (*danzheng*) сертификат берилди [9].

Хитойнинг бу борадаги сиёсатининг яна бир хусусияти таълимнинг глобал ютуқларини мунтазам синтез қилиб бориш орқали таълим тизимини давомли модернизация қилиб бориш ҳисобланади. Мутахассислар бугунги Хитой таълим сиёсатининг кейинги йиллардаги муҳим хусусиятларидан бири синтез ёки кенг қамровлилик, давомли модернизация, диверсификация ва ўзини-ўзи тарбиялашга қаратилганлигини қайд этадилар [9].

Хитой юқори технологияли саноат паркларини ташкил этишда Ғарб тажрибасидан фойдаланди. Кейинги йилларда мамлакатда 20га яқин ана шундай технопарклар яратилди [9].

Бу эса таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш имконини берди. Технология соҳасидаги тўртта асосий илмий йўналишга устуворлик берилди. Улар ахборот технологиялари ва янги материаллар технологияси, электроника, биотехнология, нанотехнология ҳисобланади. Хитой университетларининг ҳар бири ривожланиш учун ўз йўналиши ва хусусиятларини топишга ёки яратишга ҳаракат қилишига устуворлик қаратилди. Бу таълимни диверсификациялашга имкон бермоқда.

1993 йилдан бошлаб Хитойда Университетларни йириклаштириш ислохотлари амалга оширилди. 708тор профилдаги ОТМлар 302та кўппрофилли ОТМларга бирлаштирилди [10].

Бундай ёндашув ўқитишдаги тор изоляцияни бартараф этиш имконини берди. Ҳукумат томонидан махсус фонд ташкил этилиб давлатдаги энг илғор 30 университетни шу фонд орқали ҳар томонлама моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаб турилди. Натижада 2010 йилга келиб шу университетларнинг аксарияти дунёдаги энг кучли 1000талик халқаро рейтингдан жой олган бўлса, Сянган университети Токио университетидан ўзиб Осиёдаги энг етакчи университет мақомига эришди [10].

**ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Ли Ланьцин о десятилетней работе по реформированию и развитию китайского образования. Пекин, 2007. С. 198.
2. Блестящее тридцатилетие: новый этап развития образования в Китае [Электронный ресурс]. URL: <http://russian.china.org.cn/Sci-Edu-Cult/txt>
3. Система образования. Китай [Электронный ресурс]. URL: <http://развитие-китая.рф/Система-образования-Китай778.html>
4. Кай Цзян, Ксуини Ма. Зарубежное образование в Китае: изменение панорамы и правил [Электронный ресурс]. URL: <http://ihe.nkaoko.kz/archive/66/385/>
5. Международный рейтинг университетов стран объединения Бразилии, России, Индии, Китая и ЮАР (БРИКС) <http://unirating.ru/international/brics.asp>
6. <https://www.mfa.gov.cn/ce/cgstp/rus/zgj/t173665.htm>
7. Ли Яньхуэй новая динамика высшего образования в Китае [http://sciforedu.ru/system/files/articles/pdf/23li\\_yanhui6-15.pdf](http://sciforedu.ru/system/files/articles/pdf/23li_yanhui6-15.pdf)
8. Донецкая С.С., Бин Ван. Высшее образование в Китае: особенности системы управления в ведущих вузах страны. RUDN Journal of Sociology. ISSN 23132272 (print), ISSN 24088897 (online) 2022 Vol. 22 No. 1 150–167 Вестник РУДН. Серия: Социология <http://journals.rudn.ru/sociology>.
9. Higher Education Reform in China Today OUYANG KANG Huazhong University of Science and Technology, Wuhan, China <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.2304/pfie.2004.2.1.4>
10. Купин А.М. Об особенностях современной системы образования в КНР. [https://akvoabr.ru/obrazovanie\\_knr.html](https://akvoabr.ru/obrazovanie_knr.html)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 1-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-1

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-1

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)